

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI,  
INNOVATSION RIVOJLANISH VAZIRLIGI,  
MADANIYAT VAZIRLIGI**

**QASHQADARYO VILOYAT HOKIMLIGI**

**NIZOMIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT PEDAGOGIKA  
UNIVERSITETI SHAHRISABZ FILIALI**

**SHAHRISABZ DAVLAT MUZEYI QO'RIQXONASI**

**QASHQADARYO VILOYAT TARIXI VA MADANIYATI  
DAVLAT MUZEYI HAMKORLIGIDA**

**O'ZBEKISTONDA TURIZMNI RIVOJLANTIRISHDA  
TARIXIY MUZEYLARNING O'RNI**

**Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi  
23-mart, 2021-yil**

**THE ROLE OF HISTORICAL MUSEUMS IN THE  
DEVELOPMENT OF TOURISM IN UZBEKISTAN**

**International scientific-practical conference  
march 23, 2021**

**РОЛЬ ИСТОРИЧЕСКИХ МУЗЕЕВ В РАЗВИТИИ  
ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ**

**Международная научно-практическая конференция  
23 марта 2021 г.**

**Shahrisabz – 2021**

## **ЖАНУБИЙ ТУРКИСТОН (ШИМОЛИЙ АВГОНИСТОН) ҲУДУДИДАГИ ЎЗБЕК УРУҒ-ҚАБИЛАЛАРИНИНГ ЖОЙЛАШУВИ ХУСУСИДА**

**Орзиев М.З.**

*БухДУ Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси,  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
(Ўзбекистон)*

XIX асрда Туркистон ўлкасини мустамлака қилиш якуний жараёнга кирган бўлиб, Туркистоннинг ғарбий қисми Россия империяси, Шарқий Туркистон Хитой (Цин) давлати томонидан ишғол қилинади. Жанубий Туркистон эса узоқ вақт Бухоро ва Авғонистон давлатлари ўртасида ўзаро кураш майдонига айланиб, XIX асрнинг иккинчи ярмида инглиз-рус рақобати даврида инглизларнинг қўллаб-қувватлаши билан Авғонистон ҳукумронлиги остига ўтади. Бухоро амирлигининг таркибий қисми бўлган Жанубий Туркистон минтақасида яшовчи асосий аҳоли ўзбек қабилалари бўлиб, улар билан бир қаторда тоҷиклар, туркманлар, ҳиндлар, арман ва яхудий миллатлари ёнма-ён яшаганликлари хусусида тарихий адабиётларда маълумотлар келтириб ўтилади. Манбаларда Балх, Мозори Шариф, Кундуз, Бадахшон, Маймана, Андҳой, Шибирғон, Хульм (Тошқўргон), дарвоз, Гурзивон каби ўзбек бекликлари ҳудудида яшайдиган ўзбекларнинг умумий сони XIX аср 70-йилларида 400 минг эканлиги, тоҷикларнинг сони 100 минг кишини ташкил этиши, шунингдек, қирғиз, туркман, Афшар, ҳинд ва яхудий ва ҳазоралар 50 минг киши атрофида яшаганлиги келтириб ўтилади. Шимолий Авғонистонда яшайдиган ўзбеклар хусусида уларнинг “Ўрта юз” уруғлари бирлашмаси, яъни барча ўзбек уруғларининг аралашмаси мавжуд деган маълумотлар ҳам сақланиб қолинган[4, 231].

Ўзбекларнинг бир-бирига аралашиб яшаган деган фикрлар аниқ ва тўлиқ маълумот деб хulosса қилиш мумкин. Чунки, ўзбекларда уруғ-қабилачилик кучли сақланиб қолинган бўлиб, бекликларнинг ҳудудларида у ёки бу ўзбек уруғ-қабиласининг нуфузи устунлик қилганлигини кўриш мумкин. Ўзбекларнинг минг қабиласи қабиласи Маймана ва Андҳой атрофида яшаганликлари ҳакида маълумот мавжуд[3, 97]. Ушбу маълумотдан нима сабабдан Авғон Туркистони ўзбекларининг “Ўрта юз” деб номланиши хусусида хulosса қилиш мумкин. Чунки, Ҳ.Вамбери Андҳойда туялар хусусан нор туялар етишириши билан машҳурлигини ёзib қолдирган. Туя, хусусан оқ тuya минг қабиласининг тотеми бўлиб, Минг қабиласи оқ Буғро-оқ тuya, юз қабиласи оқ тайлоқ-бир ёшли оқ бўталоқ деб аталган ва бу ўзбек қабилаларининг иккинчи номи сифатида маълум бўлган[1, 10]. Демак, “Ўрта юз” минг қабиласидан ажралиб чиқсан қабилага, яъни уруғ жамоасининг қўшни жамоага айланиш жараёнида содир бўлган деб хulosса қилиш мумкин. Минг қабиласининг жанговарлиги хусусида Ҳ.Вамбери ҳам ўз хотираларида ёзib, унинг 1863 йилда Майманада бўлганлиги ва бир муддат олдин авғонлар катта қўшин билан келиб Майманани бўйнсундира ололмай кетиши, Дўстмуҳаммадхон ҳар қанча қудратли бўлмасин бу беклиқдаги ўзбекларни бўйнсундира олмаганлиги, Маймана ўзбеклари жанговарлиги билан фақатгина Шахрисабз ўзбекларигина рақобат қила олиши хусусида ёзib қолдирган[3, 123].

Жанубий Туркистоннинг яна бир муҳм шаҳарларидан бири Шаҳарлар онаси (Умми ал-Билод) деб ном олган Балх шаҳри ва унинг атрофида яшовчи ўзбеклар ҳақида маълумотлар келтирилиб, бу ерларда асосан қипчоқ қабиласи вакиллари истиқомат қилганликларини учратиш мумкин[3, 98]. Шунингдек, манбаларда Балх шаҳри атрофида ўзбекларнинг минг ва сарой қабилалари ҳам яшаганликлари хусусида маълумотлар сақланиб қолинган[4, 387]. Балх атрофида ўзбек уруғ-қабилаларининг кўплаб сонлари яшаганлигига сабаб, бу шаҳар Авғон Туркистонининг марказий шаҳри бўлганлиги ва тарихий даврларда етакчиликнинг у ёки бу ўзбек уруғи кўлга киритиши билан боғлиқ деб хulosса қилиш мумкин.

Қипчоқлар ўзбек уруғлари орасида кўп сонли нуфузга эга эканликлари билан ҳам ажралиб турадилар. Уларни Туркистон ўлкасининг барча ҳудудларида ҳам учратиш мумкин. Жумладан, жанубий Туркистонда ҳам уларнинг нуфузи кўп бўлиб, Балх ҳудудларидан

ташқари манбаларда Маймана ва Қобул оралиғида яшовчи халқлар орасыда қипчокларни ҳам санаб ўтилганлигининг гувоҳи бўлинади[2,22]. Инглиз айғоқчиси Феррье маълумотларида ҳам Балх шахри ҳақида, унинг этник таркиби хусусида эслатиб ўтилади. Балх шахри ахолиси 6 минг атрофида эканлиги тилга олиниб, уларнинг мингтаси афғонлардан иборатлиги, ўзбеклар уруғларининг сони 5 минг кишини ташкил этиши келтириб ўтилади. Ўзбекларнинг таркиби хусусида эса, уларни асосан қипчоклар ва Ёбу уруғи вакиллари эканлиги хусусида маълумот келтириб, минг ва сарой қабилалари ҳақида ҳеч қандай маълумот бермайди[5, 127]. Хулоса қилиш мумкинки, элчи, сайёҳ ва айғоқчилар ўзлари билан мулоқотга киришга уруғлар ҳақида маълумотларга эга бўлганлар холос. Улар ахолининг этник ва уруғ-қабилавий таркиби ҳақида етарлича маълумотларга эга бўлмаганлар.

Туркистоннинг жанубида яшовчи ўзбек уруғлари орасыда энг жанговарларидан бири бу Қатағон қабилалари бўлиб, биз кўриб чиқаётган тарихий даврда улар асосан Қундуз ва қисман Бадаҳшонда яшаганлар. XIX асрнинг 20-70 йилларида Қатағон қабилалари ўзларини мустақил давлатларини тузадилар. Муродбек Қундуз деярли бутун Жанубий Туркистонга ҳукумдор бўлишга улгуради. Бухоро ва Авғон давлатлари билан тенг рақобат олиб борган. Қатағон қабиласи яшайдиган ўзбек беклиги асосан Қундуз вилояти бўлиб, шунингдек, улар қисман Бадаҳшонда беклигига ҳам яшаганлар. Бадаҳшонни итоатда тутиб туриш учун авғонлар бу ерда яшовчи қатағонлар орасидан ўзларининг армияси сафига ҳам олганлар[6, 78].

Хозирги Тожикистон билан чегарадош ва асосан тоғли ўлкаларда яшовчи ўзбекларнинг уруғлари хусусидаги маълумотлар таҳлил қилинар экан манбаларда Марка кичик ўрда (?) деб номланувчи уруғи тилга олиб ўтилганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, Лақай, Дурбун қабилалари ҳам шаҳарлар атрофида кўчиб юриши хусусидаги маълумотлар мавжуд[5, 195].

Ўзбек уруғларидан яна бири бу қанғли бўлиб, уларнинг Жанубий (Авғон) Туркистонининг турли худудларида учратиш мумкин бўлган. Аммо, қанғлилар асосан янги шаҳарларидан бири бўлган Хульм (Тошқўргон) ва унинг атрофларида, хусусан ундан 10 фарсах узоқлиқда жойлашган Ҳайбақда яшаганликлари тарихий адабиётларда келтириб ўтилади[5, 129].

Туркистон жанубида яшовчи ўзбекларнинг хўжалик машғулотлари хусусида фикр юритилганда, деярли барча муаллифлар уларнинг кўчманчи хўжалик билан шуғулланиши, баҳорда ўзбекларнинг тоғларга чиқиб кетиши ва қишида уларнинг шаҳарлар ва уларнинг атрофларида яшаши хусусида маълумотлар келтириб ўтадилар[3, 115; 5, 137].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Шимолий Авғонистон (Жанубий Туркистон) худудларида ўзбекларнинг кўплаб уруғ-қабилалари яшаган. Улар орасида минг, сарой, юз, қипчоқ, қатаған, қанғли, ёбу уруғларининг нуфузи юқори бўлган. Ушбу уруғ-қабилалар сон жиҳатидан кўпроқ бўлганлиги, жисслиги, сиёсий етакчиликни қўлга олганлиги сабабли ўша давр манбаларида тилга олинган. Шу билан бир қаторда, бир қатор қабилаларнинг иттифоқларга бирлашув жараёнлари ҳам содир бўлган деб хулоса қилиш мумкин. Улар, “Марка кичик ўрда”, “Ўрта юз” каби бирлашмаларга ҳам бириккан деб хулоса қилиш мумкин. Чунки, бу каби уруғ-қабила номи манбаларда бошқа учрамайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Бейсембиев Т.К. “Тарих-и Шахрухи” как исторических источников. – Алма-Ата.: Наука, 1987. – 200 с.
2. Венюков М. Очерк международных вопросов в Азии.//Туркестанский сборник Том 185.– 51 с.
3. История Бухары или Трансоксианы с древнейших времён до настоящего. Германом Вамбери. Перевод А.И. Павловского. – С. – Петербург 1873. – 98. // Туркестанский сборник. Том 70. – 228 с.
4. Путешествие русского посольства по Афганистану и Бухарскому ханству в 1878-1879 гг. из дневников в члене посольства И.Л. Яровского в двух томах. Том II. – С.-Петербург. Типография д-ра М.А. Хана 1883. – С. 231. // Туркестанский сборник Том 315. – 387 с.
5. Сведения о странах по верховьле Аму Дарьи. Составитель. И.Минаев. – С. Петербург. Типография В.С. В.С. Балашева, 1879. – С. 195. // Туркестанский сборник. Том 286. – 273 с.
6. Тагеев Б.Л. Русские над Индией. Очерки. – М.: Воениздат, 1998. – С. 78, 133. – 351 с.

## **ТОШКЕНТ ВОҲАСИДАГИ БИР ЗИЁРАТГОХ ТАРИХИ**

**Жумаева Шоира Бердияровна**

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти докторанти*

**Абдулазиз Қурбанов Абдуллоҳим ўғли**

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси*

*(Ўзбекистон)*

Муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш ўзбек халқининг муҳим этник хусусиятларидан биридир. Халқимиз асрлар давомида Қуссам ибн Аббос, Имом ал БуҲорий, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Ҳазрати Имом Қаффол Шоший, Шайх Хованд Тахур Зангигита каби буюк зотлар мозорлар ва қадамжоларни ихлос билан зиёрат қилиб келмоқдалар. Ўзбекистонинг бошқа минтақалари сингари Тошкент воҳасида ҳам бир қанча зиёратгоҳлар мавжуд. Ана шундай муқаддас зиёратгоҳлардан бири “Пайғамбар ота” зиёратгоҳидир.

Тошкент вилояти Оҳангарон туманида жойлашган “Пайғамбар ота” зиёратгоҳи ҳақида тўхталишдан олдин, сўзимиз аввалида Илоқликлар эътиқодига назар қаратсак. Илоқликларнинг қадимги анимистик, тотемистик, фетишистик эътиқодлари ва зардуштийлик дини билант боғлиқ қараашлари тўхрисида археологик ёдгорликлар маълумот беради. Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ҳам Тошкент воҳаси аҳолисининг кундалик турмуш тарзида қадимги диний қараашлар қолдиқлари сақланиб қолган. Мисол тариқасида қурбонлик маросимини кўришимиз мумкин. Оҳангарон туманининг тоғлиқ қишлоқларида ҳозирги кунда ҳам кучли сел ҳавфини қайтариш учун сой қирғоғида наввос сўйиб, қонини сувга оқизиши ва калласини селга улоқтириб, гўштини худойи қилиш удуми мавжуд.

Марказий Осиё ҳалқлари тарихи ва маданияти ислом динидан ажратган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Зотан, ислом дини Арабистон ярим оролида вужудга келган бўлсада, унинг илмий ва диний асослари айнан ватанимиз ҳудудида ривожланди. Мана шундай ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк муҳаддислар, фикхшунослар ва тасаввуф, нақшбандия, кубровия каби таълимот намоёндалари ҳоки қўйилган муқаддас заминда яшаймиз. Бутун ислом олами тан олган буюк аждодларимиз давлатимиз мустақиллиги шарофати илиа уларнинг номлари қайта тикланиб, мозорлари обод этилди. Мамлакатимиздаги улуғ қадамжолар, муқаддас зиёратгоҳларганафақат юртимиз, балки бутун дунёдан зиёратчилар ташриф буюришади.

Тошкент виляти Оҳангарон тумани Собир Раҳимов номли ширкат хўжалигида жойлашган Пайғамбар ота зиёратгоҳи ўзининг тарихи билан ажралиб туради. Мазкур зиёратгоҳ асрлар мобайнида инсонларга оғир кунларда умид берувчи, дардманларга даво берувчи вазифасини бажариб қолган. Ҳатто собиқ совет иттифоқининг даҳрийлик сиёсати ҳам аҳолининг зиёратгоҳга бўлган ишончини йўқота олмади. Яна бир ўзига хос томони шуки, зиёратгоҳни қайта таъмирлаш ишлари қишлоқ аҳлининг қўмаги асосида амалга оширилган. Маълумот тариқасида шуни таъкидлаш керакки, 2002 йилнинг март-июн ойлари мобайнида Оҳангарон туманидаги С. Раҳимов номли ширкат хўжалиги ҳудудида яшовчи катта-ю кичикнинг хоҳиш-иродаси ва хўжалик раҳбариятининг моддий қўмаги, хусусан, раис Соғлом Болошевнинг ташаббуси билан Оҳангарон водийсидаги машҳур “Пайғамбар ота” зиёратгоҳидаги қадимий сафана ўрнига узунлиги тўққиз метр, эни бир метру саксон сантиметр, баландлиги бир метру олтмиш сантиметр ҳажмдаги янги гумбаз, унинг тепа қисмида эса узунлиги ўн тўрт метр, эни тўрт ярим метр ва баландлиги тўрт метрлик мақбара барпо этилди. Бундан ташқари, қабристоннинг шарқона услубидаги дарвозаҳонаси ҳамда зиёратчилар учун майший маскан қуриб битказилди.

Қишлоқ аҳолисининг баъзилари “Пайғамбар ота” қабристонидаги устки қисми бузилиб, қайта тикланган сағанани Жиржис пайғамбар номи билан боғлайдилар. Ривоятга кўра ушбу ерда пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳисаломдан аввал Жиржис алайҳисалом бир муддат яшаган. Зиёратгоҳдаги мавжуд қабр Жиржис пайғамбарнинг рамзий қабридир.

## MUNDARIJA

<b>№</b>	<b>Mualliflar F.I.Sh.</b>	<b>Maqola nomi</b>	<b>Bet</b>
	Kirish so‘zi		3
	<b>1-SHO‘BA:</b> <b>TARIXIY GEOGRAFIYA VA ICHKI TURIZM MASALALARI</b> <b>Moderator: A.Xasanov</b>		
1	Сагдуллаев А.С., Тоғаев Ж.Э.	Суғдиёна тарихий географиясининг айрим масалалари.	4
2	Холиқова Р.Э.	Ўзбекистонда туризм салоҳиятини ривожлантириш ва унинг истиқболлари.	7
3	Aminov X.B.	Xorazmda turizmni rivojlantirish istiqbollari.	11
4	Кабыл А.А.	Махамбет Утемисулы - Значимая личность в казахской истории.	13
5	Hojiev K.M.	The role of experts in the formation of a culture of management in modern society	15
6	Kosimov A., Abdullayev A.	The role of tourism in educational system.	17
7	Ачилов А.Т.	Карвон йўлларида хавфсизликни таъминлаш хизмати.	19
8	Ko‘paysinova N.K.	Ichki va tashqi turizmni rivojlantirish istiqbollari.	21
9	Махмудов Д.А., Холиков А.	Марказий сүғд тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти.	23
10	G‘aniyeva M.A., Inoyatova S. Sh.	Tarixiy geografiya va ichki turizm masalalari	24
11	Тошев С.А.	Toшкент воҳасида тарихий туризм истиқболлари.	25
12	Yusupov I.I., Usmanova S. Sh.	Tarixiy geografiya va ichki turizm masalalari.	27
13	Xudayberganov D. T., Do‘schanova D.D.	O‘zbekiston turizmini rivojlantirishda tarixiy muzeylarning o‘rnini.	29
14	Aхmedov J.	Tarixiy madaniyatimiz turizm kafolati.	31
15	Кўчаров Ж.	Илк ўрта асрларда сўғд матоларининг ҳалқаро савдодаги аҳамияти.	32
16	Орзиев М.З.	Жанубий Туркистон (Шимолий Афғонистон) худудидаги ўзбек ургу-қабилаларининг жойлашуви хусусида.	34
17	Жумаева Ш.Б., Курбанов А.А.	Toшкент воҳасидаги бир зиёратгоҳ тарихи.	36
18	Matchanova M.B.	Muzeylar xalq tarixining ko‘zgusidir.	37
19	Norqobilov A.B., Murodova M. I.	Ichki turizm masalalari.	39
20	Bahodirova G.B.	Alisher Navoiy nomidagi davlat muzeyi tarixi.	40
	<b>2-SHO‘BA:</b> <b>TARIXIY O‘LKASHUNOSLIK MUAMMOLARI</b> <b>(TURIZM NUQTAI NAZARIDAN TAHLILLAR)</b> <b>Moderator: t.f.d., prof. R.Xoliqova</b>		
21	Nigmatov A.X., Jabborova Z. A.	Buxoro arki: inshooti ansambliyasi, qo‘shbegi arxivi hujjatlari, Buxoro viloyat o‘lkashunoslik muzeyi.	43
22	Arziqulova S., G‘ofurova S.	Yomchi – xabarchi yoxud tarixiy qadamjolarning yoshlar tafakkuri rivoji asosidir.	46